

# РИОЯ ҚИЛ ЁКИ ТУШУНТИР

«COMPLY OR EXPLAIN» ТАМОЙИЛИ БУЙИЧА МАЪЛУМОТ

(«РИОЯ ҚИЛ ЁКИ ТУШУНТИР»)

«O'zavtosanoat» АЖ шуни маълум киладики, Ягона акциядорнинг 2016 йил 30-июлдаги қарори билан 2016 йил 30-июл кунидан бошлаб Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги

9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбуриятини олди.

Корпоратив бошқарув кодексининг 8-бандига мувофиқ «O'zavtosanoat» АЖ томонидан Кодекснинг баъзи тавсиявийларига риоя қилмаслик тугрисидаги маълумотларни ошқор этмокда:

1. «O'zavtosanoat» АЖ бошқарув раиси ва унинг уринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганлиги сабабли ички ҳужжатлари асосан раҳбарият аъзоларини танлов асосида сайлаш амалга оширилмаган. Шунингдек, «O'zavtosanoat» АЖ бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26-июндаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган.